

# буле



# عائله و جمعيت

# Орналиқ

# 5 сон

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ВА ХАЛҚАРО «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ • Баҳоси эркин нарҳда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, НАҒАҚАЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТУҒРИСИДА

1. 1995 йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

иш ҳақининг энг кам миқдори — ойга 150 сўм;

меҳнат пенсиясининг энг кам миқдори — ойга 430 сўм;

фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромади — ойга 200 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулли) разряд — ойга 300 сўм этиб белгилансин.

2. 1995 йил 1 мартдан бошлаб иш ҳақининг ҳозир амалда бўлган миқдорлари биринчи разряддан бошлаб ва пенсияларнинг барча турлари, миқдорлари, энг кам пенсиядан ташқари, ойга ўртача 350 сўмга оширилсин, уларга аҳолига тўланадиган 150 сўм миқдоридagi компенсация тўловлари киритилсин.

3. Стипендиялардан даромад солиғи олинмаслигини назарда тутиб, 1995 йил 1 мартдан бошлаб олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ва хунар-техника ўқув юртлари ўқувчиларининг стипендиялари асосий миқдорлари 300 сўмга (150 сўм компенсация ҳисобга олинган ҳолда) оширилсин.

4. 1995 йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси аҳолисига бериладиган ҳар ойлик компенсация тўловлари бекор қилинсин.

5. 1995 йил 1 мартдан бошлаб: бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича оналарга бериладиган нафақа ойга 250 сўм миқдорида;

болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа ойга 400 сўм миқдорида;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойга 300 сўм миқдорида белгилансин.

6. Энг кам иш ҳақиға фоиз нисбатида ҳисоблаб чиқиладиган иш ҳақиға устама ва кўшимчаларнинг барча турлари, шуниқдек, болали оилаларга

бериладиган нафақа ва бошқа тўловлар 1995 йил 1 мартдан бошлаб мазкур Фармон билан белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасалар мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва ходимларнинг лавозим маошлари миқдорлари ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминласинлар.

8. Бюджетдан маблағ билан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотлар ходимларининг иш ҳақини, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика давлат бюджети ва ижтимоий суғурта жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

9. Хўжалиқ ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотлар иш ҳақи миқдорлари оширилишини энг кам иш ҳақининг мазкур Фармон билан белгиланган оширилишини таъминлаган ҳолда ўз даромад манбалари ҳисобидан амалга оширсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 31 августдаги ПФ-940-сон ва 1994 йил 31 октябрдаги ПФ-976-сон Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июндаги ПФ-871-сон Фармонининг 1-банди тўртинчи хатбоши (нафақалар миқдорига оид қисми) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда мазкур Фармонни амалга ошириш бўйича қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,  
1995 йил 7 февраль.



Нима опкейдийиз?..



Вой...



Бор экан-ку!



Ҳозий...

## УШБУ СОҶДА!

2 БЕТ

• *Чисе Ғуфос*

3 БЕТ

• *Овған Матёр, нег Ғолматлар!*

4 БЕТ

• *Омалар Ғуфоси нечиримлас*

6 БЕТ

• *Чўлақоммунат Армони*

7 БЕТ

• *Билмат Олма Ғам Ормуш*

4А

«Оила ва жамият» 5 (177)

Шарҳ

## ДАВЛАТИНГ—ҒАМХЎРИНГ

Ижтимоий таъминот вазирлиги бош бошқармасининг бошлиғи Рамзулло

Забихўжаев билан суҳбат

— Рамзулло ака, ҳозирги вақтда кам таъминланган оилаларга қандай ёрдам берилмоқда?

— Болали оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг турмуш тарзини яхшилаш мақсадида, давлатимиз томонидан бир қатор тadbирлар белгиланди.

Жумладан, ҳукуматимизнинг 1994 йил 24 августдаги "Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тadbирлар тўғрисида"ги қарори билан кам таъминланган оилаларга ўз-ўзини бошқариш органлари (Турар жойлар, қишлоқ, овул, шаҳар маҳаллалари кенгашлари) томонидан ҳар ойлик моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Фармонга кўра, моддий ёрдам биринчи навбатда кам таъминланган, ёлғиз ва ўта муҳтож оилаларга тайинлиши кўзда тутилган.

Моддий ёрдам, фуқаронинг аризасига кўра, ўз-ўзини

бошқариш органлари томонидан тузилган комиссиянинг йиғилишида ўрганиб, муҳокама қилингандан сўнг йиғин қарори билан 3 ой муддатга энг кам иш ҳақининг 1,5 дан уч баробаригача бўлган миқдорда белгиланиши мумкин.

— Ҳозир ҳам давом этаяптими?

— Ҳа, албатта.

— Энди аёлларимизнинг пенсия имтиёзлари ҳақида қисқа бўлса ҳам гапириб ўтсангиз!

— 1994 йил биринчи июлидан кучга кирган Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги янги қонунга асосан аёлларимизга барча имтиёзлар белгиланган.

Булар: иш стажини ҳисоблашда, умумий тарздаги пенсия ёшидан олдинроқ пенсияга чиқишда имтиёзли пенсиялар тайинланади.

Жумладан, болага қараб тур-

ган давр олдинги қонунга кўра, фақат ишламаган аёлларга боласи 3 ёшга тўлгунга қадар қўшимча стажга олинар эди. Ўзбекистон Республикаси қонунига кўра, аёлнинг ишлаш, ишламаганидан қатъий назар боласи 3 ёшга тўлгунга қадар даври 6 йил иш стажига ўтади.

Кўп болали аёлларимиз 50 ёшга тўлганда ва камида 15 йил иш стажига эга бўлганда пенсияга чиқадилар. Бунда пенсия ҳам 15 йилдан ортиқроқ бўлган ҳар тўлиқ йил учун оширилади.

Бундан ташқари сут соғувчи, бутун мавсум давомида пахта, тамаки етиштиришда банд бўлган аёлларга имтиёзли равишда пенсия тайинлаш кўзда тутилган.

Ҳарбий хизматчи, чўпон, чет элга ишга юборилганларнинг аёлларига иш стажини ҳисоблашда ҳам имтиёзлар берилган.

Дилбар суҳбатланди

Етти кун

### ИБРАТЛИ ТАДБИР

Самарқандда Жанубий Корея Республикаси Умумжаҳон миссионерлари ҳомийлигида хайрия поликлиникаси очилди. Шифохонада Кореяда ишлаб чиқарилган дори-дармонлар ва тиббий усуллар билан беморларга бепул хизмат кўрсатиладиган бўлди.

### 9 ЁШЛИ ЧЕМПИОН

Яқинда республика шоҳмот-шашка клубида эркаклар ва аёллар Тошкент шаҳар биринчилиги бўлиб ўтди. Шуниси қизиқки, ҳисоб-китоблар аёллар ўртасида Катя исмли 9 ёшли қизалоқнинг шаҳар чемпиони бўлганлигини кўрсатди.

Мутахассисларнинг фикрича, ушбу ҳол нафақат қизалоқнинг кучли шоҳмотчи эканлигидан, балки спортнинг бу тури шаҳримиз аёллари орасида оммавийлашмаганлигидан ҳам далолат беради.

### ҚИШЛИК КИЙИМЛАР

"Туркистон" газетининг ёзишича, Шеробод туманидаги қоракўлчиликка ихтисослашган "Наврўз" ширкатлар уюшмасида ҳам тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Эндиликда бу ерда хом ашёдан пўстин, қўлқоп ва махсилар тикилиб, харидорларга етказилмоқда.

### ТАНДИР ТЎЛИБ ЁПИЛДИ НОН

Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманидаги Шимолишарқ даҳасида янги нон пишириш цехи ишга туширилди. Корхонага "Феруза" деб ном берилди.

### ЯНА БИР КОРХОНА

Янгийўл шаҳрида "Янги ҳаёт" деб номланган корхона янги ҳаётини бошлади. Насиб қилса, бу кичик корхона фаолиятини қоғозни қайта ишлашдан бошламоқчи.

МАТБУОТ ВА ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ



Абдул Ғани Жума

Таъзим

## ЧИН ФИҒОН

Мен биламан. Менинг ўлигим фақат бир инсонни чуқур қайтуга солади. Ўша кун фақат унинг кўзларига дунё қоронғу бўлади. Фақат унинг кўзларига... Кўзларигина эмас, бутун вужуди йиғлайди. Айрилиқнинг ўткир нишлари фақат унинг юрагини азоблаб юради. Мен биламанки, мени фақат ўша унутолмайди. То ўзи ҳам бу дунёни тарк этгунича мени кўмсаб, эслаб гоҳ ошқора,

гоҳо яширин йиғлаб юради!

Бир инсонда ана шундай буюк ва адоқсиз муҳаббат бор. Шукрим, шу муҳаббатга кўмилиб яшадим. Яна шукрим, шу муҳаббатга садоқатли жавобда бўлдим.

Она ҳақида қўшиқ янграса нега маҳзунлашиб қоламиз. Баъзан бесабаб кўздан еш тўкилаверади. Она ҳақида шеър ўқилса, яна ўша ҳол. Қийналиб ўзингизга-ўзингиз сигмай кетасиз. Нега? Онанинг

адоқсиз меҳри, ҳа, бизнинг танамизга, суяк-суягимизга сурилиб кетган меҳри ўзи ҳақида сўзлаётганини сезиб жунбушга келади? Балки она бизга меҳрини бериб улгайтиргани учун шундайди.

Ярим тунда кўча четидидаги шарпа эътиборимни тортади. Яқинлашиб борсам, кўшнимиз Сағди хола. Қиш совуғи кампирни жунжиткирган.

— Болам Саиджон ишдан келмаяпти. Жойимда ётиб етолмайдим. Нега келмаяпти экан, деб жоним ҳалақда турибман-да, болам.

Хола яшайдиган уй дарвозанинг ўнг тарафида, ўгли яшайдиган уй чап тарафида. Дарвоқе, Саиднинг еши қирқларда. 5 нафар боласи бор. У яшайдиган уйга қарайман. Ўглининг уйини чирोगи ўчган.

— Болалари яқинда ухлашди. Саиджон то уйига кириб кетмагунча ухломмайман, келмагунча юрагим тинчимайди.

Холанинг уйига кириб дам олишини истаб хайрлашдим. Муяллизга етиб ортимга қарасам, она шарпадек ўша жойда турибди. Она, дунёга келтиргани учун, бағрида боққани учун она дейилмас керак. Она сўзи шунчаки сўз эмас. Дунёга фарзанд келтиргани учунгина она дейиш керак бўлса хатолик бўлади. Унда тугиб, тукқан боласидан юз ўтирганларга ҳам шу улуг сўз иш -

латилса хайф кетади. Келинг, гап ўша биз эъзозлайдиган, қалбан таъзимда бўладиган улуг оналар ҳақида кетаётган экан, тоза сўзларимиз қаторида она дейишга номақбул кимсаларни тилга олмайлик.

Сизнинг қувончингиз уни қувонтирадиган, ташвишингиз уни ташвишлантирадиган ОНАга, ҳа, буюк Онага таъзимда бўлайлик. Биз билган оналарнинг ҳаммаси БУЮК. Негаки улар бизга буюк муҳаббат билан муомалада бўлишган.

Ҳа, мен биламан, менинг ўлигим ортидаги фиғонларнинг фақат биригина чин фиғон. Менига бўлган буюк муҳаббати мени излаб қолади. Ўша кун унинг муҳаббати йиғлайди. Асли онанинг бошдин оёғи фарзандга йўналган муҳаббат. Муҳаббат йиғлайди.

Фотима ШОДИЕВА

Жиззах шаҳри

# ОВҚАТ ТАЙЁР, КЕП ҚОЛИНГЛАР!

Сўхбатдошларнинг ёши, қандай оила соҳиби эканликлари фикр-мулоҳазаларидан сезилиб турибди. Биз аёлларимизнинг қизгин сўхбатлари замирида ўзбекиона дастурхон тузаш, тайёр кевтини сузиб хонтахтага келтириб қўйишнинг ўзида олам-олам гўзаллик, нафосат бор эканлигига амин бўлдик.

— Овқатни тайёр қиламан-да, адасини қақирганим-чақирган. Компьютер жинниси теккан — "Ҳозир-Ҳозир" деганча экранга тикилиб ўтираверадилар. Кейин болаларни жўнатаман. Адамизни амаллаб компьютердан "узиб" олгунча овқат совиёди.

— Бунинг йўли осон, келинпошша! Эрингизни шундай одати бор экан, овқат сузишдан ўн беш минут илгари огоҳлантириб қўйинг.

— Сизда-ку, эрингиз, учта фарзандингиз, холос. Мен овқат сузаётганимда қўлогим остида ўн саккиз хил овоз жаранглаб туради: "менга ёғсиз", "менга сергўшт", "менга картошка солманг", "менга суви озроқ"... Ҳеч қайсисини унуттишга ҳаққим йўқ!..

— Ун саккиз жон бир дастурхонда ўтирасизларми?...  
— Вой, гапирманг! Косалар алмашиб кетадими-ей!..

— Ҳой-ҳой, менга қаранглари! Ун саккиз жонинг омон бўлгур! Ҳаммасининг зақуни бор, болам! Уша зақуни кифтини келтирсанг йигирма саккиз жон бўлмайди!..

— Хўп, хўп. Қани, гапиринг-чи!  
— Авва-ал дастурхонини тўшаб, ном, пиёла, қошиқ, пичоқларни шай қилиб қўйишни бил! Қўлсочқини унутма. Дастурхон ўлгур гижим, доғ-дуг бўлмасин. Туз, қалампир, мурчани ҳам опке. Ана шулар тайёр бўлса, овқат маҳали "у йўқ экан-бу йўқ экан" деб туриб келавермайсан.

— Ярим коса мошқўрдани ичиб бўлгунча беш марта ошхонага қатнайман ўзиям!

— Узингдан кўр! Айтганларимни қўлогингга қўйиб ол! Шундай қилиб, овқат пишди, дастурхон тўшалди, кўрпачалар солинган, болишлар тизилган. Энди...

— Энди овқатга таклиф қилиш керак. Мен, "Шунақаям ширин

овқат пиширдимки!.. Тез-тез келақолинглар!" деб таклиф қиламан.

— Баъзан, афтингни бужмайтириб, "Вой, чарчадим, қачо-он сузиб келаман" десанг ёки олдиндан, "Э, овқатим ўхшамай қолди" десанг таклиф қилинаётганларнинг иштаҳаси йўқолади. Кулиб, чехранг очик бўлса бошқалар ҳам яхши кайфиятда йигилишади.

— Овқатни ким сузгани маъкул?

— Пиширган одам-да!

— Бизникида қайнонам сузадилар.

— Кўш келин бўлса-чи?

— Овсинлар келишади: хоҳлагани сузавериши мумкин.

Бизнинг ҳовлимиз катта. Шунинг учун овқат маҳали бўлганини хабарлайман-да, ҳамма йигилгунча овқатни сузиб улгураман. Халқимизнинг ажойиб удуми бор-ку: жамоат жам бўлмагунча ҳеч ким овқатга қўл урмайди.

Овқатни яхши кайфият билан еганга не етсин! Бунинг учун оила аъзоларимизни хабарлаб чиқаётганининг ўзида шундай сўзлар топишга ҳаракат қиламанки, токи, каттаю кичикнинг иштаҳаси очилиб, ажойиб кайфият билан тўпланадилар.

Ҳамма йигилганда байрам бўлиб кетади!

— Овқатни дастлаб кимга сузилишида ҳам гап кўп.

— Секинроқ айтасанми, ўргилай! Аввалбош, дастурхон теварағида ҳар кимнинг доимий жойи бўлади. Шунинг назарда тутиб каттадан аниқ қадар сузаверасан. Қайнотага, қайнонага, қайин ака ва қайинэгаларга... Масаллиқни тақсимлашда ҳушёрликни унутманглр.

— Шунинг учун овқатни пиширган одам сузгани яхши-да! Қозонда нима, қанча борлигини ўзи яхши билади.

— Бизникида қайнонам масаллиқни мўлжаллаб ажратадилар.

— Нима сенга ишонмайдиларми?

— Йў-ўқ, шунга одатланганмиз... Қолаверса, қайнонамнинг қўллари баракали.

— Онам раҳматли ҳар сафар овқат сузганда қозонда яна бир кишига етарли олиб қўярдилар. Биронтаси овқат устига келиб қолиши бор.

— Ҳа, онангиз жуда-а зийрак, саранжом кампир эдилар.

— Хуллас, сузганда масаллиқнинг тўғри тақсимланиши, ёши улуглардан бошлаб қўйиб келиш одобига риоя қилиш зарур.

— Яна бир нозик жойини унутмайлик: суяқ овқат сузилганда қошиқни овқатга солиб келтириш тўғрими ёки?...  
— Алоҳида келтириш тўғри, менимча. Чунки косага солиб келинса қошиқ овқатга ботиб кетиши, қизиб кетиши, олиб келаётганда бирон жойга илинини тушиб кетиши мумкин. Яхшиси, олдиндан дастурхонда ҳозирлаб қўйган маъкул.

— Катта оилаларда қандайлигини билмадим, бизнинг оилада овқатнинг шўрвасини косага, ичидаги масаллиқларини алоҳида тақсимчага уюб хонтахта

ўртасига қўямиз.

— Энди бу ҳар бир оиладаги кўникмага боғлиқ. Шундай бўлса-да, сузишдан аввал бува-бувижонлар, ота-оналар олдидан ўтилса чакки бўлмайди. Айтганча, дастурхонда овқат чиқиндилари солинадиган ликопчалар бўлмаса қайнотам тутоқиб кетадилар.

— Бу ҳам яхши одат. Ахир чиқиндилар дастурхонга ташланмагани ўзимизга яхши-ку! Доғ бўлмайди, кирланмайди.

— Биз кўпроқ суяқ овқатни назарда тутиб гапашяпмиз. Қуюқ овқат...

— Мисол учун ош, манти, хоним, дўлма, димлама каби овқатлар лаганга сузилади ва ҳар кимга алоҳида ликопча қўйилади.

— Кўп сўхбатлашяпмизу, болаларни унутяпмиз. Ўғил-қизларимиз катталар қатори овқатланаверишадимми?

— Онамнинг оиласида саккиз фарзанд бор. Уларникида болалар алоҳида, катталар алоҳида овқатланишга одатланишган.

— Бизникида қайнонам бунангани хуш кўрмайдилар. Ҳамма бирга ўтирса гашти бошқача!

— Тўғри, бутун оила аъзолари гавжум бўлиб, сўхбатлашиб ўтиришига не етсин! Баъзан эркаклар апил-тапил овқатни еб-ичиб олишади-да, "Мен бўлдим!" деб туриб кетишади. Шу нарса менга огир ботади.

— Тўғри, эркак киши ишдан кўчадан чарчаб келади. Шунга қарамай, фарзандлар даврасида отанинг бўлиши тарбияга ҳам катта таъсир қилади. Барча овқатланиб бўлгач, фотиҳа ўқиш, дуо қилиш ҳам оила бошлиғи зиммасида бўлади. Унга қараб ёшлар ўрганишади.

— Қайси хонадонга кирманг, овқатланиш хонасига телевизор қўйилган бўлади. Икки кўзини телевизордан узмай овқатланаётган одам нима еб, қанча ютаётганини ҳам билмайди.

— Гап гапга қовушмайди.

— Менимча, овқат маҳали телевизорни ўчириб қўйган маъкул.

— Қизиқ томоша кўрсатилаётган бўлса-чи?

— Шунга одатланиш керак. Одат тусига кирган нарса қийин эмас.

— Лоақал овқатни еб-ичиб бўлгунча ўчириб қўйиш мумкин.

— Яхши таклиф.  
Кўряпсизларми, оила аъзоларининг дастурхон теварағига жам бўлиб овқатланишининг ўзида маъно, мазмун, нафосат бор экан. Энг муҳими, овқатланиш чоғидаги кайфият, орасталик, гўзаллик биринчи навбатда келинчаклар, бўйи етган қизлар, оила соҳибалари зиммасига тушади. Буларни билиш, ҳис қилиш учун эса қизларимиз болаликдан ана шуларга одатланишлари керак. Биз фақат оила аъзоларининг овқатланиши ҳақида сўхбатлашдик.

— Меҳмон келгандаги вазият...

— Эҳ-ҳе-е, унинг ўзига яраша талаблари бир дунё. У ҳақда алоҳида сўхбат курсак арзийди.

**Сўхбатни Гавҳар МИРЗАЕВА, Наргиза АБДУРАҲМОНОВА оққа кўчирдилар**



Ёқимли иштаҳа

А. ТҮРАЕВ сурати

## ҲАДИСЛАРДАН

*Умар ибн Абу Салама ривоят қиладилар: "Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг бағрларида парвариш топаётган бир бола эрдим. Овқат еяётганимизда қўлимни лаганнинг дам уёғига, дам буёғига узата бошлаган эдим, ул зот менга: "Эй бола, Оллоҳ таолонинг исмини айтиб, ўнг қўлинг бирла ўз олдиндандан егил!" — дедилар.*

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: "Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: "Икки киши тўядирган овқат уч кишига кифоя қилади ва уч киши тўядирган овқат тўрт кишига кифоя қилади", — дедилар".*

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: "Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: "Дарҳақиқат, мўмин битта ичаги тўлгунча, кофир (ёки мунофиқ) эрса еттига ичаги тўлгунча овқат ейди!" — дедилар".*

*Абу Жухайфа ривоят қиладилар: "Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: "мен ёнбошлаб овқат емайман", — дедилар".*



Сизга нима десам...  
Ж. БОБОРАҲМАТ сурати

Оила — муқаддас даргоҳ

# ОТАЛАР ГУНОҲИ КЕЧИРИЛМАС

Фармон ижроси жараёнида жамиятдаги яна бир иллат аққол кўриниб қолди. Уни ҳар биримиз ўйлаб кўришимиз лозим деган хулоса билан қўлимга қалам олдим. Уни ҳамма билади-ю, лекин ҳеч ким эътибор бермайди. Хукуматнинг кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш тўғрисидаги қарорига асосан ўтган йилнинг IV квартали (3 ой) давомида кам таъминланган муҳтож оилаларга моддий ёрдам берилди. Шу жумладан, пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманидаги "Ибн Сино" маҳалла аҳолисида тушган 220 та ёрдам сўраб берилган аризадан 186 тасига моддий ёрдам берилди. 3 ой ичида маҳалла бўйича 30 мингдан ортиқ пул ҳужжатлар асосида тарқатилди. Аммо шу ёрдам тарқатишда иккинчи муаммо аниқланди.

Маълумки, бир маҳалла бўйича ёрдам олган 186 та оиланинг 50 дан ортиғи ёлғиз оилалар (эрсиз) бў-

либ, уларнинг энг камиди 2-3 тадан ёш гўдаклар бор. Демак, бир маҳалланинг ўзида 200 дан ортиқ тирик етимлар бор деган сўз! Майли, болаларнинг кўпайгани яхши. Ўзбек халқи болажон халқ.

Мен тирик етимларнинг оилаларига берилаётган ёрдам пулига ачинаётганим йўқ. Фақат шу болалар нима учун отасиз, она тарбиясида қолиб кетаётганлиги ўйлантириб қўймоқда, холос.

Она тарбияси билан отаники ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Она, ҳаммамизга маълумки, юмшоқ табиатли бўлиб, фарзандлари олдида кечаю кундуз парвона, емай-едириб, киймай-кийдириб фарзанди учун куйиб-пишади. Аммо кўпчилик аёллар эркаклар каби болаларига қаттиққўллик қила олмайди, яъни эркаклардек тарбия бера олмайди. Оқибатда болалар орасида, ҳатто қизлар ўртасида ҳам ноҳўя ҳаракатлар, жиноятлар содир бўлмоқда. Тартибсизлиги, жинояти учун қўлга тушган ёки

ёшлик йилларини панжара ортида ўтказётган ёшлар ана шундай болалардир. Мен маҳалла оқсоқоли бўлиб ишлаган пайтларимда кўп оилаларда бўлардим. Оила ҳақидаги суҳбатда бир отахонимиз фикри ҳеч ёдимдан чиқмайди:

— Фирт етимга нисбатан тирик етимларнинг тақдирини оғир кечади. Чунки ота-онанинг бутунлай ажралган бола бирорта кишининг қўлида ёки болалар уйда яшаб тарбия, билим олиши билан у келажақда яхши инсон бўлиб кетиши мумкин. Чунки у ақли етилганда тақдирга тан беради. Фарзандни яратган ота ёки она тирик бўлиб уни етим бўлишига кўр-кўрона сабабчи бўлса, шу ота-онага нисбатан болада нафрат, ғазаб, исёнкорлик вужудга келади. Боланинг бошига оғир бир кулфат тушиб қамалиб қолса, ўйлайди ва шундай фикрга келиши мумкин: "Отам тирик бўла туриб мени шундай аҳволга тушишимга сабабчи бўлди. Агар у онамни ташлаб кетмаганда, мен ҳам ўз ои-

ламда ўсганимда, балки бундай аҳволга тушмаган бўлардим".

Ҳўш, бундай аҳволга кимлар айбдор?

Бош айбдор, оилага бефарқ қараган, унинг муқаддас эканлигини унутган, шариатни оёқ ости қилган мунофиқ эркаклар (аёллар орасида ҳам учраб туради) деб биламан. Чунки бундай шахслар бойваччалик қилиб, хотин устига хотин олиб, ЗАГСдан ўтмай, ҳатто болаларига алимент (нафақа) тўламай қочиб юрадилар.

Ҳўш, бунинг олдини олиш мумкинми?

Ҳа, албатта мумкин. Биринчи навбатда оила — муқаддаслигини кишилар онгига сингдириш, шунингдек ЗАГС органлари, суд, прокуратура, диний маҳкамалар ҳам бу муҳим муаммо устида жиддий бош қотиришлари зарур. Айниқса, маҳалла оқсоқоллари бу масалага жиддий қарасалар



тезда бу муаммонинг олдини олишимиз мумкин. Акс ҳолда...

Келинг аэизлар, бирдам бўлиб, оилалар аҳиллиги ва мустаҳкамлигини янада раванқ топтирайлик. Оила —

муқаддас даргоҳга айлансин.

**Ҳамид ЙҮЛДОШЕВ,**  
Республикада хизмат кўрсатган Халқ таълими ходими

## Разиллик

# ОЖИЗАНИ ТАЛАГАН НОМАРД

Бу воқеани менга бир таниш аёл ҳикоя қилиб берди:

"Яқинда ишдан қайтаётгандим. Биласиз, қиш кунлари қисқа бўлади. Шу сабабли анча йўл босиб ётоққа келгунимча қоронғу тушиб қолди. Бир-бирига тақаб қурилган кўп қаватли бинолар орасидаги ёлғизоёқ йўлақдан кетаётсам, гира-ширликда орқамдан бир қора шарпа таъқиб қилиб келаётганини сездим. Аввалга бир йўловчидир деган ўйга бордим. Йўқ. Унинг хатти-ҳаракатлари менда шубҳа уйғотди. Тез юрмоқчи бўлиб ҳаракат қиламан. Оёқларим қалтирайди. Масофа бир-бир ярим метр чамаси қолганида у ни-

қутурган ит сингари бир йиғиш-шиб сумкани отиб юборди. Зарб билан бетонга тушган сумка ичидан 2-3 та метро жетонининг заифгина жиринглагани эшитилди. Сўнгра йўлтўсар менга бошдан-оёқ синчиклаб қаради-ю, тортиб олишга арзигулик нарса кўрмади шекилли, бошим аралаш чаккамга қулочкашлаб уриб юборди. Кутилмаган мушт зарбидан бошим бир муддат айланиб, кўз олдим қоронғулашди. Ўзимга келиб атрофга қарасам, у маҳлуддан ном-нишон йўқ. Бетон устида очилиб ётган сумкамни олганимча, ёруғлик томон югурдим.

Хонага етиб келдим-да, хўрлигим келганидан йиғлаб юбордим... Эркакларимизга хос жўмардлик қаёққа йўқолди? Наҳотки, ожиза аёлларнинг йўлини тўсиб, пулига кўз тикиб, шунинг кетидан кун кўрайдиган тубанликка юз тутган разилларни ҳам эркак деб бўлса?

Худонинг лаънати ёғилсин уларга."

**Норали АСЛОН ўғли,**  
ТошДД толиби

## Ғаройиб воқеа

# ЮРАГИНГГА БАЛЛИ ҚИЗЧА

Навоий овулига қарашли «Жиржин» деб аталадиган Эллиқалъадаги бу кишлоқнинг асл номи Дзержинский бўлган. Нимагадир уни кишлоқнинг оқсоқолларидан тортиб то эндигина бешикада тили чиқаётган гўдакча «Жиржин» деб атаб кетишган.

Қишлоқ одамлари оқингил, ишонганим ва меҳмондўст. Бу ерда 150 тага етар-етмас оила яшайди. Кишлоқ аҳолиси табиий газ билан таъминланган. Йуллар асфалтланган. Хуллас, ҳаёт тинч ва давом этаётган шу кишлоқда, ёз кунларининг бирида ғалати воқеа содир бўлди.

«Жиржин»да кечкурундан то тонг отгунча ҳар ярим соат ичида бир марта кесак ёғилармиш. Кимки, халқ ҳақиқа хиёнат қилган бўлса, яратганга шак келтирса, кесак айнан шу кишига тегаймиш. Жазирама ёз кунлари бўлишига қарамасдан одамлар фақат қулфланган уйларида тунашармиш...» қабилдаги миш-мишлар нафақат овул, балки туман микёсида ҳам тарқалиб кетди.

Қамалидин асли шу овул фарзанди. Шу ерда туғилди, ўсиб-ўлғайди, мактабни тамомлади. Ҳарбий хизматни кўп қатори ўтаб қайтган, туман ички ишлар бўлимига ишга кирди. Хуллас, оқсоқоридаги миш-мишлар кечагина хизмат сафаридан қайтган оддий милиция ходими К. Ҳуломовнинг ҳам қулоғига бориб етди. У гоҳ ишониб, гоҳ ишонмай воқеа содир бўлган жойга борди. Тумонат одам воқеа содир бўлаётган уй атрофида йиғилган. Ғала-ғовур, тўс-тўполон. Оломон оғзида турли миш-мишлар. Хонадон соҳибни уни «Ука, тинчимиз бўлди, уйимиздан райз-баракка кетди, айтишларича, ховлини бунёд қилаётганда тупроғини дадам раҳматлик қаб-

ристондан олганимиз. Тавба қилдик, тавба. Янги уй кураш десак жўжабиддай жонмиз. На чора, шуқури-миз кўп ука, шуқури-миз кўп», сингари сўзлар билан қарши олиб, бир пиёла чай ичишга таклиф қилди. Комилжон бир пиёла чайни кўплаб улгурмай унинг боши узра «сехрили кесаклар» туша бошлади. Кесак тинган, ховлига 14-15 ёшлар чамасидаги қиройли қизча салом бериб кириб келди. Унинг юзида қўрқинч аломати йўқлиги ёш милиция ходимида шубҳа уйғотди. Хонадонга келиб-кетиб кўнгли сўровчилар сонининг жуда қўлгли, кўчадаги оломоннинг тартибсиз шовкин-сурони хонадондаги ҳолатни назорат қилишга халақит бераётганини Камалидин сездди. Шу кеча ҳамма қатори кеч хайрлашармиш милиционер эрталаб туман ички ишлар бошлиғи Уринбосаридан ўзини шу участкага юборишни илтимос қилди. Бошлиқ уринбосари унинг таклифини рад қилмади. Кечкурун Жиржинга келган Ҳуломов бу ердан оломонни тарқатиш чораларини ўйлаб топди. Эртаси кун оломоннинг сони сезиларли даражада камайди. Орадан икки кун ўтган, бу ерда ҳеч кимса қолмади.

Қамалидиннинг ёшгина қизининг қоронғу жойларга ахлат тўқани, кир сувларни ташлагани, шамоллаш учун кўрмасдан ақса-ёлғиз кетаётгани хайратга соларди. Кўп ўтмай у, хонадон ховлисида шу қиз ташқарига чиққан пайтлардагина кесак тушаётганлигини гайқатди. Ёлғиз ўзи ҳеч нима қилмаслигини сезган оройиштаклиқ посбони Афғонистонда хизмат қилган икки дўстидан ёрдам беришларини илтимос қилди. Икки кеча-ю, икки кундуз Рашид Курбонов ва Одамбой Раззоқов қизанининг нима билан шуғуланишини кузатишди. Энди шубҳага ўрин қолмади. Қизча ҳақиқатан ҳам қоронғулик бағрига турли баҳоналар билан ўзи-

ни урар ва ҳар ярим соат ичида ховлидаги супача томонга ҳар гал янги меҳмон келганда бир нечта кесак отиб уйга кириб кетарди.

Учала дўст пухта ўйлаб қилган ҳаракатлари тўғрйли қизча қўлида отаётган бир неча кесаги билан қўлга тушди. 19 кун давомида «кесак отаётган арвоҳ» номи билан яхши танилган, бутун бир кишлоқ аҳлини лақиллатган, эл-юрт тинчлигини бузган, қария ва дардмандларнинг «енг яхши дуоларини олган ёшгина қиз эканлигига ҳаттоки кишининг ишонғисини келмайдди. Кўпчилик кишиларнинг илтимосларини ҳисобга олган ҳолда мен бу қизнинг исм-фамилиясини келтирмадим.

Сўроқ даврида қуйидагилар аниқланди: Қизнинг онаси бундан бир неча ўн йиллар илгари бошқа шаҳардан Жиржинга келин бўлиб тушган. Ўз юртига қўчиб кетиш ораси орадан кўп йиллар ўтса-да, уни тарқ этмаган. Умрининг 70 дан ортиқ баҳорини шу ерда яшаб ўтказган кампир бу таклифга кўнмаган. Фарзанд эса онани ташлаб кета олмаган. Ана шундан кейин келин юқоридаги хўлини ўйлаб толган ва уни бажаришни қизидан илтимос қилиб, ўзи она юртига жўнаб қолган. Қиз она топширигини сизқидилдан бажарган. Орадан бир неча кун ўтган, арвоҳлар отаётган кесак сирини билдишга қизиқувчилар, отилган кесакларни ўз кўзи билан қўришга ишқибозлар сони кўпайган. Қиздаги одамларни лақиллатишга бўлган иштиёқ кун сайин ортиб борган. Юзлаб одамлар орасида қичқинагани қизнинг бундай иш қилиши бирор кишининг хаёлига ҳам келмаган.

**Муҳаммад Собир АЙТИМОВ**  
Қорақалпоғистон

КЎРКАМЛИККА ОИД ДОРИБОР ТИҲЛАР

**Лимонўт** - оғизни жуда хушбўй қилади.

\*\*\*

**Анор гули** - милк қонашида яхши даводир.

\*\*\*

**Хина** - етмак суви билан кўшиб сўй бўялса, уни яхши қизартиради.

\*\*\*

**Бугдой** - уни қоришмаси юздаги доғни кеткази. Зардоби сепкилга даводир.

\*\*\*

**Зира** - дамланган суви билан ювилса, юзни тиниқ қилади. Унинг олиниши ва истеъмол қилиниши маълум миқдорда бўлиши керак, агарда кўп истеъмол қилинса юзни саргайтиради.

\*\*\*

**Ток суви** - чуқурилиши билан юзни тиниқ қилади. Ёввойисининг суви сепкил ва қондалашган нукта-

ларни кеткази. Хонакиси эса кучсиз бўлади.

\*\*\*

**Рўян** - сирка кўшиб темирткиларга суртилса кеткази. Теридаги ҳар қандай изларни йўқотади.

\*\*\*

**Турп** - асал билан аралаштириб суртилса кўз остидаги қондалаш изларни кеткази.

\*\*\*

**Алой** - эски яраларни биткази.

ди. Шароб билан алой шарбатини аралаштириб сочга суртилса унинг тўкилишини қолдиради.

\*\*\*

**Тўтиё** - оғиз ҳидланиши ҳамда кўлтиқ тагидаги ёмон ҳидларни кетказиб, хушбўй ҳид таратади.

\*\*\*

**Анжир** - хоми шунингдек баргини хол, сўгал ва буларнинг ҳар хил турларига суртса кетади.

Мевасидан ейилса касалликдан синиққан рангни очади, ҳамда чипқонни тез пиширади. Айниқса, анжирсимон ўсмаларни унинг баргидан олинган сути кеткази.

\*\*\*

**Тол** - ёғочининг кулини сирка билан кўшиб сўгалга суртилса кўчиради. Мажнунтол ёғочининг кули кучли воситадир.

**Тўпловчи Дилбар РАҲИМ кизи**



Х. Мирзакаримов сурати

ДЕРАЗА

ЙИЛИГА 21 МИЛЛИОН

Хитой аҳолишуносларнинг ҳисоби-га қараганда, феврал ойининг ўртасига келиб мамлакат аҳолиси 1,2 миллиард кишига етар экан. Агар давлат сиёсатининг болалар туғилиши бўйича режаси бўлмаганида бу воқеа бундан 9 йил олдин содир бўлиши мумкин эди. Ҳозирги кунда Хитойда ҳар йили 21 миллион бола дунёга келяпти.

ОЛИМПИДАГА ТАЙЁРГАРЛИК

Япониянинг Нагано шаҳрида 1998 йил қишки ўйинлар олимпиадасига тайёргарлик бошланди. Қурилиш ишлари қизгин олиб борилмоқда. Қурилатган иншоотлар 1997 йили бутунлай битказилади. Бу қурилиш ишларининг баҳоси 3,5 миллиард АҚШ долларига тенг келар экан. Олимпиада баҳонасида Япония дунёда энг катта усти ёпиқ конкида учиш майдонига эга бўлади.

ПИЁДА САЁҲАТ

Дакардан Парижга пиёда боришга аҳд қилган 50 ёшли француз Ален Жестен Сахар чўли орқали Мавритания пойтахтига келди. У бу ердан озик-овқат ва сувни ғамлаб олиш ҳамда олиб юриш учун туя сотиб олиш ниятида.

ХАВФСИЗЛИК УЧУН МАБЛАҒ

АҚШда 1996 йили Атланта шаҳрида ўтказиладиган Олимпиадага катта тайёргарлик ишлари амалга ошириляпти. Яқинда давлат конгресси мудофаа вазирлиги бюджети ҳисобидан олимпиада ўйинлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 20,4 миллион доллар ажратди.

ЧЕКУВЧИЛАРГА ЖАЗО

Ҳаммага маълумки, дунёда чекишга қарши турли тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бу хусусда АҚШда намунали ишлар бажарилляпти. Чекувчилар ишга кириш ва медицина ёрдами олиш ҳуқуқидан маҳрум этилган.

**Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди.**

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Азиз ва муҳаббат онажонимиз  
М У Л А Б Б А М Л О Н  
А Б З А М О В А

Биз сизни таваллуд кунингиз билан муборакбод этамиз. Сизга боқий умр, соғлиқ-омонлик, келажак ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз. Ҳамиша лабингиздан кулгу, чехрангиздан табассум аримасин. Илоё, адажонимиз билан кўша қариб, биз фарзандларингиз роҳат-фароғатини кўриб юринг.

Фарзандларингиз номидан АВАЗХОН

\*\*\*

Хушхаллик  
ХУШХАЛЛИК

Сени таваллуд кунинг муносабати билан оила аъзоларимиз номидан дилдан табриклаймиз. Сенга олам-олам шодлик, бахт, бардамлик тилаймиз. Толеинг баланд, ризкинг бутун бўлсин, деб тоғанг **Кутфулло АБДУХОЛИҚОВ.**

Оила

43 ЁШДА

Хоразм вилоятиданман. Чиройли рўзгорим, меҳрибон турмуш ўртоғим ва 2 фарзандим бор эди. Ана шундай ойдек оиламиз бошига яқинда оғир мусибат тушди. Умр йўлдошимдан айрилиб қолдим. Аёлим оғир бетоблиги сабабли бу ҳаётдан кўз юмди. Қанча югурмайин-елмайин уни сақлаб қололмадим. Ҳозир икки фарзандим билан яшайман. Лекин бир ўзимга қийин бўлиб турибди. Менга одобли, хушфезл, назокатли бир умрлик ҳамроҳ ва фарзандларимга ғамхўр она керак. Ўзим мана шу тавсияларимни барчасига амал қиламан «Оила-396». Мақтубларингизни кутаман.

\*\*\*

28 ЁШДА

Бухороликман. Табиатим оғир-вазмин, дилпоқ, меҳрибонман. Жамоа ҳўжалиги идора-

сида бухгалтер бўлиб ишлайман, уйланманман. Орзуим 18-28 ёшгача бўлган ўрта бўй, кўркам, вафодор, ибולי, покиза қиз билан танишиб, оила қуриб, қувонч ва ташвишларимни бир умр баҳам кўришни истайман (Ўзбекистоннинг қаеридан бўлса ҳам аҳамияти йўқ) «Оила-397».

ИЗОҲ

«Танишув» эълонининг баҳоси 60 сўм, шунингдек «табрик», «Ўзаро савдо» эълонлари куйидаги тартибда белгиланган: **Босма белгининг (харф, тиниш белгиси) баҳоси 20 тийин. Табриклар сурати билан берилса, битта суратнинг баҳоси 15 сўм.**

Ўн кун ичида бериладиган эълонлар икки баравар қиммат туради.

## «Оила ва жамият» 5 [177]

Улуғ кишилар ҳаётида шундай саҳифалар бўладики, уларни иложи бўлса, варақламаслик, жабрдийда зотлар руҳини безовта қилмаслик одобдан бўлади. Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг оилавий ҳаёти тарихини варақлаш ҳам кўнгил чопадиган юмушлардан эмас.

Лекин орадан беш юз йил ўтганидан

ажралиб, Обидага уйланади.

Аммо тақдир унга, барибир, фарзанд кўриш бахтини насиб этмаган эди. Чўлпон бу сафар ҳам фарзанд тирноғига зор бўлади. Бу бахтсизликнинг устига-устак, Обидада руҳий хасталик белгилари ниш урган экан. Хуллас, илк муҳаббат юлдузи ҳам Чўлпон ҳаётини ўз нурлари билан безай олмайди. Шу

мумкин. Шундай қора кун келмасидан аввал сизга шу нарсани айтмоқчиман: уйимизнинг эшиги очик; агар сизни бошқа эркак билан фарзанд куттиш бахти излаётган бўлса, мен қарши эмасман", деган.

Яшин ақанинг шаҳодат беришига кўра, Бу сўнги ажралишнинг сабаби шунда.

рина Ивановна билан бирга Тошкентга кўчиб келди. Шу даврга оид хотираларнинг бирида айтилишича, Чўлпоннинг яқин дўстлари унинг Курант рўбарўсидаги кичик хонасига рафиқалари билан йиғилиб, ош тайёрлаш бўйича баҳс ўйнаганлар. Аёлларнинг бу ўзига хос мусобақасида Екатерина Ивановна Чўлпоннинг юзини ерга қаратмаган.

Чўлпон ҳибсга олингач, рафиқасининг боши ҳам балодан чиқмади. У фалакнинг барча зарбаларига дош бериб, эрининг озод этилишини кутди. Аммо Чўлпоннинг аллақачонлар отиб ташлангани маълум бўлганидан кейин Ботунинг ўқаси Сидик Ходиевга турмушга чиқиб, у билан Киевда яшади. Екатерина Ивановна Сталин шахси фож этилган 60-йилларда Чўлпон тақдири билан қизиққанида, ҳеч ким унга эътибор бермаган. Унинг сўнги ҳаёти ҳам қоронғудир.

Анатол Франс Шарқ ривоятларидан истифода этиб, "Инсоният тарихи уч жараёндан-одамзотнинг туғилиши, азоб чекиши ва вафот этишидан иборат", деган эди. Бу ҳикматнинг ёрқин мисоли Чўлпон ҳаётидир.

Бугун талайгина кизлар ва йигитлар Чўлпон ва Чўлпоной исмлари билан яшамоқдалар. Уларнинг ҳар бирида буюк ўзбек адаби Чўлпоннинг маълум бир зарраси бор.

Наим КАРИМОВ

## ЧўЛПОННИНГ АРМОНИ

кейин ҳам авлодлар Алишер Навоийнинг уйланагани сабабларини билишга интиладилар. Ишқ-муҳаббат ҳақида ёниб-күйиб ёзган шоир қалбнинг мумтози ким бўлганлиги ҳаммани ҳақлари равишда қизиқтиради. Шунинг учун ҳам гарчанд илмий эҳтиёж тақозоси билан бўлмаса-да, улуғ ватандошимиз ва асрдошимиз Чўлпоннинг маиший ҳаётига равшанлик киритиш лозимдир. Негаки, ҳақиқат шуъласи тушмаган жойда ёлгон печаклари новда чиқаради.

Чўлпоннинг отаси Сулаймон баззоз Юнус ўғли олти фарзанд кўрган. Лекин уларнинг тўрт нафаригина соғомон ўсган. Булар: Абдулҳамид, яъни Чўлпон (1897 йилда туғилган), сингиллари Комила (1902), Фозила (1905) ва Фоиқа (1908). Шу кеча-кундузда бу фарзандлардан фақат биттаси — Фоиқа аягина ҳаёт. (Фозила ая, Оллоҳ раҳмат қилсин, аяқда оламдан ўтди).

Камина Фоиқа ая билан бир неча бор суҳбатда бўлиб, ундан Чўлпон ҳақидаги, жумладан, унинг оиласи ҳақидаги қуйидаги маълумотларни олганман:

Андижон шахрининг Сулаймон баззоз оиласи яшаган ҳозирги Навоий кўчаси яқинида бир отин яшаган. Бундан бир қанча йиллар илгари балет мухлисларининг муҳаббатини қозонган Флора Кайдани шу отининг кизи эди. Отин ойна ўша пайтда ҳали турмуш қурмаган бўлса керакки, Чоржўйдан келган Обида исмли қиз билан бир уйда истиқомат қилган. Чўлпоннинг сингиллари шу отин ойнанинг қўлида тахсил кўрганлари учун ўзини ҳам бу "мактабхона"га кўз қирини ташлаб юрган. Обида ёш, гўзал ва маданиятли қиз бўлгани учун унга Чўлпоннинг меҳри дили тушган. Аммо мағрур қиз ёш шоирнинг илк муҳаббатни қўшларини ўз чаманига йўлатмаган. Шундан кейин Чўлпон Моҳирўя деган бошқа бир татар қизи билан танишиб, у билан Оренбургга йўл олган. Бу 1917 йилнинг феврал воқеаларидан кейинги кезлар эди. Убайдулла Хўжаев, Мирмуҳсин Шермуҳамедов ва Абдулҳамид Ориповдан иборат гуруҳ билан Оренбургга борган Чўлпон бир мунча фурсат мобайнида ўша ерда, Бошқирдистон ҳукумати раисининг котиби вазифасида хизмат қилган. Сўнг 1918 йилнинг бошларида ўз юртига қайтган.

Моҳирўя чиройли, хушбичим, ширин муомалали қиз эди. Чўлпоннинг ота-онаси ҳам, сингиллари ҳам унга яхши қараганлар. Аммо ёш, хонанин рафиқа уйга меҳмон келишини хуш кўрмаган, андижонлик ё ўзга шаҳарлик ёр-дўстлар қадам ранжида қилишганда эса улар билан кўпол муомалада бўлиб, Чўлпонни уятга қолдирадиган одат чиқарган. Эр билан хотин ўртасидан ана шу тариқа "мушук" ўта бошлаган кезларда ана биринчи муҳаббат қўшлари парвоз этди. Чоржўйга, ота-онаси бағрига кетган Обида қайтиб келиб, Чўлпон кўнглидаги сўна бошлаган оловга ўзи чўғ ташлайди. Чўлпон, жиллакурса, фарзанд кўриш орзусида Моҳирўядан

тарзда Чўлпон 1923 йили, беш йиллик биргаликдаги турмушидан кейин, Обидадан ҳам воз кечишга мажбур бўлади.

1921—1922 йилларда Бухорода, сўнг Тошкентда ишлаганидан сўнг, 1923 йили Чўлпон Андижонга ота-онасини кўргани боради. Ёлғиз ўғлини соғинган онаизор ундан шу ерда оила қуриб, ота-онаси бағрида ва сингиллари ёнида яшашини сўраб, кўз ёш тўқади. Чўлпон онасининг маслаҳати билан ўша йилнинг октябр ойида Солиҳа исмли андижонлик оқила бир қиз билан турмуш қуради. Бир кун аввал Солиҳа опа Сулаймон баззоз оиласига келин бўлиб тушган бўлса, эртаси Фоиқа ая шу хонадон остонасидан келин бўлиб чиқади.

Солиҳа опа Чўлпонга ҳар жиҳатдан муносиб ёр эди. Унинг ҳусн-жамолида ҳам, ақл-ҳушида ҳам, рўзгор тутуши-ю юриш-туришида ҳам қусур бўлмаган. Чўлпон Самарқандда яшаганида, унинг оиласига аъзодек бўлган, ўзини шоирнинг қизидек сезган Ҳалима Носирова уни гоят самимий сўзлар билан эслайди.

Аммо баъзи бир замондошлар Солиҳа опанинг Чўлпон юзини ерга қаратганлиги тўғрисида сўзлаб юрадилар. "Оила ва жамият"нинг 47-сонида ҳам ана шундай кишиларнинг хотираларидан парча келтирилган. Эҳтимол, бу хотираларда ҳақиқат учкуну ҳам бордир...

Агар Чўлпоннинг "Тонг сирлари" тўпламига кирган бир шеърига эътибор берсак, унда шоирга хиёнат қилган аёлнинг тасвирини кўраимиз. Мана, "Сирлардан" деб аталган ўша шеър:

Бир тутам сочларинг менинг бўйнимда,

Ғижимлаб ўпайми ё тараб-ечай?

Сир деб сақлаганинг менинг қўйнимда,

Сир деб сақлайинми ё елга сочай?

Сочилган сочингдай сочилса сиринг,  
Анор юзларингни кимга тутасан?  
Ўзинг-ку "Уярада вафо йўқ!" дединг,

Нимага уларни тағин кутасан?

Очилган қўйнимда тўлганган танинг  
Кўнгилдан қилча ҳам ҳид етказмаса,  
Менга яқинлашма, ай тирик бўса!  
"Севдим" деганларинг ёлғондир санинг!..

Бу шеър Тошкентда 1925 йил 19 январ куни ёзилган. Агар бу шеър Солиҳа опа тўғрисида бўлса, у ҳолда ўша хунук "миш-миш"лар тўғри бўлиб чиқади.

Лекин Чўлпон ҳаётини яхши билган Комил Яшиннинг сўзларига қараганда, Чўлпон билан Солиҳа опанинг ажралишида бошқа сабаб бор. Бу хотинидан ҳам фарзанд кўрмаган, эҳтимол шу ҳол туфайли унинг баъзи бир хатти-ҳаракатларидан ранжиган шоир шифокорлар билан маслаҳатлашиб ва "айб"нинг ўзида эканлигини билиб, унга руҳсат берган. "Мен сиз билан энг бахтиёр кунларни кечирдим. Лекин сиз менинг фожиам қурбони бўласиз, деб қўрқаман. Бир кун келиб, фарзандсиз ўтганлигингизни юзимга солишингиз

Хуллас, 1931 йили, тинимсиз тазйиқлар ва таъқиқлар туфайли кўп хасталигига дучор бўлган ва шу сабабли ярим жон бўлиб қолган Чўлпон боғига яна хазон кўнди.

1930 йили собиқ советлар мамлақатида "тозалаш" ишлари бошланиб, Боту бошлиқ бир гуруҳ зиёлилар ҳибсга олинган эди. Ботудек Совет ҳокимиятига содиқ, ўзи сингари "миллатчи" шоирларга қарши астойдил курашган навқирон арбобнинг қамалганини ва матбуотда ўзига қарши, қаламқаш дўстларига қарши авж олган хуружни кўрган Чўлпон саросимага тушади. Ва Файзулла Хўжаевнинг маслаҳати билан 1932 йили Москвага бориб, СССР Марказий Ижроия Комитетида таржимон бўлиб хизмат қилади.

Чўлпон шу даврда Екатерина исмли аёлга уйланади. Улар Москванинг 1-Мешчанлар кўчасидаги 115-уйда истиқомат қила бошлайдилар.

1933 йили "Катта совет энциклопедияси"нинг таҳририяти Чўлпоннинг москвалик ҳамкасби В. Янга қомуснинг 61-жилди учун ўзбек шоири тўғрисида маълумотнома ёзиб беришни сўрайди. В. Ян шу баҳонаи сабаб билан Чўлпон яшаган қулбаи вайронани ахтариб келиб, у билан яқиндан танишади. "Чингизхон" романининг муаллифи ўша йилнинг 6 декабр куни Чўлпон ҳузурда иккинчи мартаба меҳмонда бўлади. У ўз кундаликларида муштарийларни қизиқтирган масала бўйича бундай сўзларни ёзган:

"Оқшом пайтида ўзбек шоири Чўлпоннинг ҳузурда бўлдим. У примусда палов дамлади, примусда ош тайёрлаш эса осон юмуш эмас. У ёш рус хотинини "Катинка" деб қақирар ва эски, шадого чиқиб кетган уйдаги кичкина хонасида унга шарқона руҳи яратишга интилар экан".

Агар Катя, чиндан ҳам немис бўлганида, В. Ян буни, албатта, билган ва уни "ёш немис хотини", деб атаган бўларди.

Ваҳоб Рашидов, чамаси, Чўлпоннинг хотинини Фитратнинг немис миллатига мансуб Клара исмли рафиқаси билан чалқаштирган. Зеро, Катянинг тўла исми-шарифи Екатерина Рихтеровна эмас, Балки Екатерина Ивановна бўлган ва у Чўлпонга теккач, фамилиясини Сулаймонова қўлиб олган. 1907 йилда туғилган бу аёл улуғ шоирдан ўн ёшга кичик бўлган ва унинг фараҳсиз турмушида вафодор дўст бўлиш, рус адабиётидан қилган таржималарига кўмак беришга уринган.

Чўлпон 1935 йилда Екате-



Келажакка йўл

Самарканд Қишлоқ хўжалик институтининг профессори Абдурахмон Исмоилов Америка Қўшма Штатларига хизмат сафарига бордию у жойдаги шарт-шароит, маҳаллий аҳолининг турмуш тарзини кўриб хайратланиб қолди. Негаки...

— Шу бугунга қадар дуненинг бир нечта мамлакатларида бўлгандим. Аммо ҳеч қачон Америкадагидек биз учун гайритабиий туқоладиган воқеаларнинг гувоҳи бўлмагандим. Тошкентдан

алоҳида енгил автомашина кўядиган жой ҳам ҳозирланган. Футболга кирмоқчимисиз, марҳамат, машинангизни махсус жойга кўясиз-да, бемалол ва беҳавотир томоша қилиб ўтираверинг.

— Эҳ-ей, домла, 40 минг одамга жой топилиши мумкин. Аммо бунинг устига яна 40 минг енгил машинага озгина жой керакми?!

— Мен ҳам шунисига хайрон қолдим. Тўққиз қаватдан иборат авто турар жой шундай қурилганки, ҳайдовчилар келиб-

Ҳамма-ҳаммаси одамзотнинг эркига қараб йўналтирилган. Шаҳарларини айланарканман биз мактаб партасида капиталистик тузум тўғрисида эшитганларимизнинг ҳаммаси гирт уйдирма эканлигига ишондим.

— Давлат билан шахсий корхона ва ташкилотлар ўртасида қандай муносабатлар мавжуд?

— АҚШ бюджетининг 95 фоизини солиқлар туғайли тўшланадиган пул ташкил этади. Яна шуниси ҳам борки, давлат ерни

— Бу ҳолда дўкондорнинг фойдаси қамаймайдими?

— Асло. Менимча, буниси ҳам рекламанинг бир тури бўлса керак. Шунингдек, ўз маҳсулотини тезроқ сотиб бўлишга ҳам замин ҳозирлайди.

— Домла, мана АҚШ тўғрисида анча-мунча суҳбатлашдик. Энди айтингчи океан орти аҳолисининг ақли, заковати, зийраклиги билан бизнинг халқ ўртасида қандай тафовутлар мавжуд экан?

— Бизнинг халқимизда илгари бор бўлган айрим ҳаётий тажрибаларни америкаликлар ўзлаштириб олганлар. Қайси губернаторга кирманг ўтирадиган жойининг тепчасига йирик-йирик ҳарфлар билан "КУЧ - АДОЛАТДА" деб ёзиб қўйилганлигининг гувоҳи бўласиз. Биласизми, бу гапни дастлаб Амир Темур айтиб кетган. Қаранг, унинг зехни фикри ҳаттоки, "Оқ уйни" ҳам забт этибди. Демакки, қадимда авлодларимизнинг ақл-заковати анча илгор бўлган. Ўзларига қўйиб берсангиз АҚШликлар ҳаммани ҳам тан олавермайди. Фақатгина фикрингизни ўтқаза олсангизгина ноиложликдан бош иргаб қўяди.

— Бизнесменлар, савдогарлар илгари жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида "маданият ташувчилар" деб аталган. Иқтисодчи олим сифатида бунга фикрингиз қандай?

— Агарда ҳозир юртимиздаги мавжуд бизнесмен ва савдогарларни назарда тутаётган бўлсангиз сезинг, шунингдек, сизга тарафдор бўлганларнинг ҳам бундай фикрига қўшилмайман. Бизда хали бу борада катта кашфиётлар яратилганча йўқ. Амир Темур бобомизнинг айтган гапи Американинг "Оқ уйи" гача етиб борибди-ми, халқимиз бошқалардан маданият ўрганишига ўрин қоладими?!

Таассурут

БИТТА ОЛМА ҲАМ ОРТИҚЧА

жўнашимиздан олдин сеvimли шоиримиз Абдулла Орипов билан ҳамсуҳбат бўлгандим. У киши йўлда иштаҳангизга асқотиши мумкин дея, сумкамга бир дона олма солиб қўйганди. АҚШга бориб тушганимиздан сўнг тайёрағоҳда яна бир марта текширувдан ўтказишди ва ҳалиги олма топиб олишди. "Буни олиб ўтиш мумкин эмас" деди текширувчилардан бири, сабабини суриштирдим.

"Ватанимизга жудаям кўп хорижликлар келишади. Агарда уларнинг ҳар бири ўзи билан биттадан олма олиб келганда ҳам бу ҳол қишлоқ хўжалигимиз учун катта зарар бўлади, ўз маҳсулотларимиз сотилмай қолади. Сиз жаноб, бозоримиздан олма олиб кетишингиз мумкин. Аммо ягона юртлардан бизга олиб келишингиз каттиқ таъқиқланади", дея жавоб берди бош текширувчи. Бундан жудаям хайратда қолдим. Менингча Ватан учун қайғуришнинг бундан ортиги бўлмаса керак?!

— Ўзингиз ҳам эшитгансиз домла, бизда пулни-пул топади деган даҳанаки лўкма мавжуд. Бундай гапларни АҚШда ҳам эшитиш мумкинми?

— Пулни-пул топади деган гап арабистондан келтирилган 500 долларлик маҳсулотни ўзимизда 1000 долларга сотиш эмас, балки хорижликлар билан келишган ҳолда юртимизда имкони бўлса 1000 долларга завод ёки фабрика қуриш ва унда бир неча ўн минг долларлаб фойда қўриш демакдир. АҚШда бунинг учун жуда катта имкониятлар мавжуд. Улар ҳам пулни-пул топишини жуда яхши билишади. Аммо виждон ҳамда адолат, инсоф ва аймоннинг чегарасидан чиқиб кетмайдилар.

— Умумий аҳолининг турмуш шароитидаги қандай жиҳатларни қизиқиш билан кузатдингиз. Нималарга ҳавасингиз келди?

— Бир гал футболга бордик. Стадионга 40 минг томошабин жойлашар экан. Энг қизиги, ҳар битта томошабин учун

кетиш баробарида умуман бир-бирига ҳалал бермайди.

— Америкаликларни жудаям мағрур халқ дейишади. Сафарингиз мобайнида халқнинг ички хиссиётларига ҳам назар солдингизми? Американи — Америка қилган халқмикиан ёки халқини-халқ қилган Америками?

— Улар шунчалар мағрур, шунчалар маданиятли инсонларки, битта енгил автомашинага икки киши ўтиришни ўзларига эп кўришмайди. Буни камбағаллик ва маданиятсизлик деб тушунишади.

— Демократиянинг америкача кўриниши бўлса керак-да бу?

— Тегиримон-юргизганники. Бироқ бош масалани адолат билан виждон ташкил этади. Бугунги ҳар бир америкалик Ватани учун ўлимга тайёр.

— Еб-ичиш, кийиниш миллий онг тушунчасининг амалдаги белгилари нималардан иборат экан?

— Мамлакат маҳаллий аҳолисининг икки фоизгинаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан шугулланади. Шундай бўлса-да, ҳамма нарса етарли. Бозорларда қхамма нарса топилади. Маҳсулот таннархиги ҳар кимнинг ўзи белгилайди. Бир стакан кофени турли нархда пуллашади. Масалан, меҳмонхонадан туриб буюртма берсангиз қимматроқ бўлади. Ошхонага чиқиб ичмоқчи бўлсангиз салгина арзонлашади. Магазиндан сотиб олиб ўзингиз тайёрлангангиз янада арзонлашади. Умуман олганда, Америка Қўшма Штатларида меҳнат жудаям қадрланади. Энг қиммат нарса вақт ҳисобланади. Юриш-туриши, кийиниши ҳар кимнинг ўз ҳолига, ихтиёрига яраша. Уялиш, ор қилишни маъқул кўришмайди.

— Қора танли, оқ танли ҳаммаси бир хил ҳуқуққа эгами?

— Хизмат кўрсатиш асосан негрларнинг қўлида. АҚШ қонунчилигида умуман таъқиқловчи, ман қилувчи моддалар йўқ.

тўлиқ фойдаланувчининг ихтиёрига бериб қўйган.

Бозорда хусусий хўжаликларнинг "синиши" тезлашиб кетади. Бу эса давлатга зарар етказиши. Шу боисдан мамлакат ҳар бир шахс, ҳар бир ташкилотни каттиқ химояга олади. Бордию бирорта фермер хўжалик ўз маҳсулотини бозорда ўтказолмай қолса уни давлат сотиб олади.

— Дўконлар ва харидорлар ўртасида ҳам маълум келишиш ва келишмовчиликлар бўлиб турармикан?

— Америка барибир Америкада. Нархи 50 долларгача бўлган нарсалардан бирорта дўконга кириб тўртта буюм олсангиз, харидингиз учун миннатдорчилик борасида сизга айнан шу буюмдан яна биттасини бепул беради.

— Сиз ҳам шундай савдо қилдингизми?

— Ҳа, ички кийимдан тўрт жуфт олгандим. Дўкондор бешинчисини бепул совға қилди.



ФУТБОЛ ОЛАМИДА

"ҚИРОЛЛИК КУБОГИ"

Шу йилнинг 17 — 26 феврал кунлари Таиландда футбол бўйича турли мамлакатлар терма командалари иштирокида "Қироллик кубоги" футбол мусобақаси ўтказилади. Бунда албатта мамлакатимиз футболчилари ҳам қатнашадилар. Маълумки ҳозир терма командамизга Биродар Абдурашмов устозлик қилмоқда. Футболчиларимиз ушбу мусобақада Япония, Хитой, Таиланд ҳамда Россия чемпионатининг қатнашчиси "Ротор" (Волгоград) командаларига қарши ўйнайди.

ҲИНД САРИ ОТЛАНАДИЛАР

3-19 март кунлари Ҳиндистонда (Калкутта) "Жавоҳарлал Неру" кубоги баҳслари ўтказилади. Унда Ўзбекистон Олимпия футбол терма командаси ҳам ўз кучини синаб кўради. Бош мураббий Мирзоқид Фуломов ушбу мусобақага тайёргарликни бошлаб юборди.

ҚАТТИҚҚЎЛ ФЕЛЕР

"Пахтакор"га Голландиядан келиб мураббийлик қилаётган Х. Фелер футболда адолат ҳамда ҳақгўйлик борасида анча қаттиққўл экан. Яқинда "Пахтакор" — "Металлур" (Новотроиск) командаларининг ўртоқлик учрашувида у ўз шогирди Аббос Аҳмадхўжаевни йўнида қўполлик

қилганлиги учун авайлаб ўтирмасдан сўзсиз майдондан чиқариб юборди.

МЎЛЖАЛ МАЛАЙЗИЯ

Терма командамизнинг таниқли футболчилари бўлмиш Рустам Абдуллаев билан Нўмон Ҳасановлар яқинда Малайзия мамлакатида ишбилармон футбол мураббийлари синовидан ўтиб қайтди. Ажабмаски, улар ҳам Азамат Абдурашмовга ўхшаб шу юртдан ўзларига бирорта кучлироқ команда топсалар. Шунингдек Улуғбек Рўзимов ҳам малайзияликлар билан тил топш ниятида.

Саҳифани Нормурод МУСОМОВ тайёрлади

Сиз кутган учрашув

## ҚЎШИҚ ЖОЗИБАСИ



**Хўжандлик иқтидорли хонанда Абдурауф Олимов ўзининг дилтортар қўшиқлари ила ўзбекистонлик санъат ихлосмандлари қалбини ҳам аллақачон ром этиб улгурган. Ўз овозига, созига эга ушбу санъаткор билан кечган суҳбатимизни сиз азизларга илиндим.**

— Абдурауф ака, суҳбатимиз бошида биринчи устозингиз ҳақида гапириб берсангиз...

— Акам Абдуғаффор Олимовдан қўшиқчиликнинг талай сир-асрорларини ўрганганман. Мактабда ўқиб юрган кезларимда "Санъат ғунчалари" мусикий тўғарагига қатнашиб юрардим. Унинг мусиқа раҳбари Забилла Боқиев ва бадий раҳбар Сайдулла Маматкулов каби мураббийларнинг маслаҳатлари ҳам қўшиқчи бўлишимда муҳим роль ўйнаган. Лекин машҳур ҳофизлар ижодида тақлид қилганимни ҳам айтиб ўтишим керак.

— Аксарият қўшиқларингиз муҳаббат мавзуда. Нима учун бу мавзуда кўпроқ ижод қиласиз?

— Таъкидингизга сираям эътирозим йўқ. Соф инсоний муҳаббат менинг доимий мавзуйим. Нафосат ва гўзалликни, ҳаёт ва одамларни дилдан севганимдан асосан шу мавзуда куйлайман. Бу дунёда муҳаббатгина абадийдир. Бироқ у шон-шухрат, мол-мулкка нисбатан бўлмаслиги лозим.

— Илк бор катта сахнада чиқиш қилганингизда ҳаяжонланганмисиз? Ёки...

— Талабалик давримнинг биринчи йили ҳосил байрамида концерт тайёрлаб, пахтакорлар ҳузурига бордик. (Унчага институтнинг мўъжаз сахнасида чиқишлар қилгандим). Ленинобод шаҳар маданият саройи қурултой иштирокчилари билан тўлган экан. Қандай бўларкан дея ҳаяжонландим, албатта. Тайёргарлигимиз ёмон эмасди. Навбат менга келди. Дастур бўйича иккита қўшиқ айтдим. Нокамтарликка йўймангу, ашулаларим мухлисларга хуш ёқди шекилли, томошагоҳда анча пайтгача қарсақлар чалиниб турди. Кейин яна 5-6 та янги қўшиқларимдан айтиб бергандим. Шунга ҳам мана 20 йилдан ошибди. Ҳеч ҳам элу юртнинг хизматларидан қочганим йўқ. Сахнага чиқиш мен учун ҳамisha синов майдонига

тушишдек гап. Залда бир киши ўтирган бўлса у мухлис. Унинг қаршисида мени кучли ҳаяжон безовта этаради. Бироқ қўлимга соз олдимми, бас, шинаванда олдига улкан ишонч билан чиқаман.

— М. Кориёкубов номидаги Ўзбек Давлат филармониясида ҳам анча муддат ишлаган экансиз. Айтинг-чи, нега Тошкентдан кетвордингиз?

— Сиз айтётган филармонияда доимий ишлашни ният қилгандим. Аммо, ота-онам кўз олдимизда бўлгин деяверишгач, Хўжандга келдим. Ҳозир Камол Хўжандий номидаги вилоят театрида ишлаяпман. Тошкентга ҳар йили икки-уч марта концерт бергани бораман. Дастамизни пойтахтда доимо очиқ кўнгиллик билан қаршилашади.

— Айтингчи, сиз учун энг оғир иш нима?

— Энг қийин, аммо ўта ҳаловатбахш юмуш — куй ва қўшиқ ижод этиш. Қўшиқбop шеърни ўзим танаб, унга мос куйни ҳам ўзим ёзаман. Агар яратган қўшиғим ўзимни қониқтирмаса уни умуман сахнада куйламайман.

— Чамада, ҳозир мумтоз ашулчилик билан замонавий қўшиқчилик бир-бирини инкор этаётгандек. Бунда хонандаларнинг ҳам "ҳиссаси" катта бўлаётир. Ушбу масалага муносабатингиз?..

— Мақом ва мақомчилик санъати хусусида тўхталадиган бўлсак, бу кутлуг аҳкомни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Айни пайтда санъат илмгоҳларидаги талабаларда мумтоз оҳушқа турларига қизиқиш кучли. Кишиларнинг маънавий дунёқарашини юксакларга кўтарувчи ўлмас мақом санъати яна миллионлаб кўнгиллардан ўз жойини топишига асло шубҳа қилмайман. Ўзим ҳам мақом йўлларида катта концерт дастури тайёрлашни кўпдан бери ўйлаб юрибман.

— Уч фарзанднинг отасисиз. Уларнинг ҳам сиз каби хонанда бўлишини истармидингиз?

— Фарзандларимнинг санъаткор бўлишини истайман. Бироқ оддий истакнинг ўзи билан бирор нарса рўёбга чиқмайди. Болалар қалбида табиий ижодкорлик иқтидори бўлмас экан, қўшиқчиликни касб сифатида ўргатиб бўлмайди. Катта ўғлим Алишер тилшуносликка қизиқади. Ҳозир у инглиз тилини ўргатувчи махсус мактабни тугаллаш арафасида. Ўзбек тилидан ташқари инглиз, рус ва

тожик тилларида бемалол сўзлаша олади. Наргиза билан Бобуримизнинг қўшиққа ва соз чалишга ихлоси баланд. Назаримда улар ота изидан боришмоқчи.

— Суйган машғулотингиз?

— Спорт билан доимий шуғулламан.

— Қайси тури билан?

— Буёғи сир...

— Қайси шоир ва бастакор билан ҳамкорлик қиласиз?

— Қўшиқларимга Абдулла Ориф, Эркин Воҳидов, Ўлмас Жамол, Тўра Сулаймон, Умида Абдуазимова каби шоирларнинг шеърларидан танлайман.

М. Мирзаев, Қ. Комилов сингари бастакорлар билан доимий ҳамкорлик қилиб тураман.

— Орзуларингиз?

— Орзуларим бир жаҳон. Орзу қўлингизга имкониятингиздан ортиқ бўлмаслиги керак, деганларидек, турфа ҳавои ҳаваслардан йироқман.

— Ўзбек эстрада қўшиқчилиги санъатида ўз сози, овози ва доимий мухлисларига эга бўлган ҳамкасбларингиз ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик.

— Бугунги қўшиқчилигимизнинг раванакини юксак поғоналарга кўтариш, унинг обрў-этиборини халқро миқёсга олиб чиқиш учун астойдил изланаётган, меҳнат қилаётган хонандаларимиз талайгина. Жумладан, Қодиржон Миращуров, Нуриддин Хайдаров, Юлдуз Усмонова, Азим Муллахонов, Мавлуда Асалқўжаева, Юлдуз Абдуллаева, Равшан Комиловлар яратаётган дилрабо қўшиқлар миллий эстрадамиз кўлга киритаётган улкан ютуқлардан далолатдир. Ушбу ижодкорлардаги меҳнаткашлик, изланувчанлик ва ўз-ўзига нисбатан талабчанлик хислатлари билан фахрлансак арзийди...

Хонанда суҳбатимиз интихосида қийин-қистовимизга кўра, ўғли Алишер келтирган сазни кўлга олди. Соҳир қўшиқ янгради. Сўрида ўтирган кекса отахон беихтиёр "баракалло" деб юборганини ўзи ҳам англамай қолди. Кўнгил тубида чўккан гўборлар тумандай тарқаб, ўтирганлар қўшиқ жозибасига маҳлиё бўлганча лол қолишди...

Суҳбатдош: Раҳмон ҚОДИР



Санъаткор оила даврасида

## Жинойят ва жазо ҚОНХЎРЛАР ҚЎЛГА ТУШДИ

Ўтган йилнинг охири кунларида Кўнғирот туманининг Устюрт текислигидаги «Бўстон» темир йўл станциясидан 8 километр узоқликда қонли жиноят содир бўлди. КАМАЗ-55102 маркали, давлат номери 87-11 рақами билан белгиланган машина кабинасидан Эллиққалъа туманининг Бўстон шаҳрида яшовчи 1960 йилда туғилган Бахтиёр Бекниёзов ва шу тумanning Янгиер, жамоа хўжалиги марказида яшовчи 1959 йилда туғилган Абдулла Қўлимбетовларнинг жасадлари топилди.

Текширишлар натижасида Россиядан Қорақалпоғистонга ўз машиналарида янги КАМАЗ олиб келаётган ҳар иккала ҳайдовчи олдига қонхўрлар чиқиб уларни отиб ўлдирганлиги ва бош кийимлари ҳамда магнитофонларини ўғирлаб кетганлиги маълум бўлди.

Қорақалпоғистон республикаси ва Кўнғирот тумани ички ишлар ходимларининг олиб борган оператив ишлари натижасида орадан кўп ўтмай жиноят содир бўлган жойдан 60 километр узоқликда яшовчи «Қарақалпакия» станциясида яшовчи 1972 йилда туғилган

Абдукаримов ва С. Болтаевлар шубҳали шахс сифатида қўлга олинди. Экспертиза анализларига асосланиб, тинтув ўтказилганда улар яшириб қўйган қўштоволли ов милтиги, марҳум ҳайдовчилар бош кийимлари, «Легенда» магнит лентаси ва «Урал» маркали мотоцикл топилди.

Ҳа, икки навқирон йигит умрини ҳазон қилиб фарзандларининг етим қолишига сабабчи бўлган бу жиноятчиларнинг энди жазосиз қолмаслиги аниқ.

Муҳаммад СОБИР

### БОШ МУҲАРРИР:

Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси

болалар жамғармаси ва Халқаро

«Соғлом авлод учун» хайрия

жамғармаси.

Газетамиз ҳомийси Ўзбекистон Республикаси

Болалар жамғармасининг «Чинор» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Тахририят келган хатларга ёзма жавоб қайтармайди.

Шунингдек, фуқаролар билан ташкилотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди. Газетамиздан олинган маълумотлар «Оила ва жамият»дан деб кўрсатилиши шарт.

### МАНЗИЛИМИЗ:

700078, Мустақиллик майдони, 5-бино.

Телефон: 39-43-95  
Эркин ЭШОНҚУЛОВ навбатчилик қилди  
Обуна индекси - 64654  
Буортма Г-0031. 23566 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди.  
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.